

## НЕЙМИНГ: ТИЛДА НОМ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**Дурдона Эсоновна ЛУТФУЛЛАЕВА**

Филология фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси

Тошкент, Ўзбекистон

**Муяссар САПАРНИЯЗОВА**

Филология фанлари номзоди, доцент

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

## НЕЙМИНГ: ТЕХНОЛОГИЯ СОЗДАНИЯ ИМЕНИ В ЯЗЫКЕ

**Дурдона Эсоновна ЛУТФУЛЛАЕВА**

Доктор филологических наук, профессор

Международная исламская академия Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

**Муяссар САПАРНИЯЗОВА**

Кандидат филологических наук, доцент

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени

Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

## NEYMING: TECHNOLOGY OF CREATING A NAME IN THE LANGUAGE

**Durdona Esonovna LUTFULLAEVA**

Doctor of philological sciences, professor

International Islamic Academy of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan [1965ddd@mail.ru](mailto:1965ddd@mail.ru)

**Muyassar SAPARNIYAZOVA**

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor

Tashkent State University of Uzbek Language and Literature

named after Alisher Navoi

Tashkent, Uzbekistan [saparniyazovam@mail.ru](mailto:saparniyazovam@mail.ru)

---

UDC (УЎҚ, УДҚ): 81'272

**For citation (иқтибос келтириш учун,  
для цитирования):**

Лутфуллаева Д. Э., Сапарниязова М.

Нейминг: тилда ном яратиш технологияси.

//Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020. —

№ 6 (35). — С.7-16

<https://doi.org/10.36078/1613973541>

**Аннотация.** Мақолада нейминг технологиясининг мақсади, вазифалари, ном яратишнинг лингвистик асослари, номларга кўйиладиган талаблар, номларнинг семантик-функционал хусусиятлари, ўзбек тилида ном яратишнинг миллый-маданий жиҳатлари ҳақида маълумот берилди. Ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ объектлари, маҳсулотлар, уларнинг маркаси (брэнди)га берилган номларда нафақат маҳсулот ҳақидаги маълумотлар жамланиши, балки у ҳақидаги тил эгаларининг миллый-маданий қарашлари, тасаввурлари ифода топиши лозимлиги, ном орқали инсон тафаккурида маҳсулотга хос энг муҳим жиҳатлар тасаввури шаклланиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида хуносалар баён этилди. Шу билан бирга, ном яратишнинг технологик механизmlари бўйича тавсиялар

**Received:** November 19, 2020

**Accepted:** December 30, 2020

**Published:** January 20, 2021

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

берилди. Ўзбек тили мисолида миллий тилларга хос ном яратиш моделлари ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлари:** нейминг; нейм; ном; нейминг технологияси; лингвопиаэология; ном яратишнинг лингвистик асослари; бренд номлари; маҳсулот номи; ном яратиш.

**Аннотация.** В статье разъясняются цели, задачи и лингвистические основы технологии именования, требования к именам, семантико-функциональные свойства имен, приводятся сведения о национально-культурных аспектах создания имен в узбекском языке. Названия, даваемые производственным, торговым объектам, товарам, их бренду, должны не только содержать информацию о товаре, но и отражать национально-культурные взгляды и представления носителей языка, по названию которых был сделан вывод о том, что желательно сформировать представление о наиболее важных специфических аспектах продукта в мышлении человека. Одновременно были даны рекомендации по технологическим механизмам создания имен. Названия национальных языковых моделей были разработаны на примере узбекского языка.

**Ключевые слова:** нейминг; технология нейминга; лингвопиаэология; лингвистические основы создания имен; названия брендов; название продукта; создание имен.

**Abstract.** This article explains the goals, objectives, and linguistic foundations of naming technology, requirements for names, semantic-functional properties of names, gives information on the national and cultural aspects of creating names in the Uzbek language. The names given to production, trade objects, products, their brand must not only contain information about the product, but also reflect the national-cultural views and visions of the language owners, by the name it was concluded that it is desirable to form an idea of the most important product-specific aspects in human thinking. At the same time, recommendations were made on technological mechanisms of creating names. The names of the national language models were developed on the example of Uzbek.

**Keywords:** naming; name; naming technology; lingvopiaeology; linguistic basics of creating names; names of brands; product name; name creation.

**Кириш.** Кишилар томонидан яратилган ҳар қандай ном инсон эҳтиёжлари маҳсули сифатида ўз яратилиш тарихига эга. Хусусан, ишлаб чиқариш, савдо-сотик объектлари, корхоналар, маҳсулот ёки товарларга берилган номлар объектни қай тарзда тавсифлаши, муайян мақсадни кўзда тутиши, истеъмолчига таъсир кўрсатиш, у билан ўзаро мулокот муҳитини яратса олиш каби хусусиятларга эга бўлиши жиҳатидан бошқа турдаги номлардан ажralиб туради. Дунё маркетологиясида ишлаб чиқариш, савдо-сотик объектлари, маҳсулотлар, уларнинг маркази (брэнди) учун берилган бундай номлар нейм (ном), ном яратиш фаолиятига нисбатан эса нейминг термини кўлланиммоқда.

Нейминг термини инглиз тилидаги “to name” (номлаш, ном бериш) сўзидан олинган бўлиб, XIX аср охиirlарида фан соҳасига кириб келди ва ном яратиш фаолиятига нисбатан қўлланди. Ўтган асрдан бошлаб дунё иқтисодиётида бозор ракобатининг тобора кучайиб бориши ишлаб чиқариш, савдо-сотик объектлари,

маҳсулотларга ном бериш, номни дунё бренді даражасига күтариши масаласига жиіддій ёндашувларни тақозо қила бошлади. Мана шу әхтиёж нейминг хизматининг юзага келишига олиб келди ва уни касбий фаолият даражасига күтарди.

Нейминг термини номлаш, ном беришга нисбатан ишлатилса-да, маъно доираси, кўлланиш обьектига кўра сўзлашув нутқига хос ном сўзидан фарқ қиласи. Ўзбек тилида ном сўзи борликдаги ҳар қандай нарса-предмет, воқеа-ходиса, белги-харакат, миқдор кабиларга нисбатан ишлатилувчи сўз бўлса, нейминг факат ишлаб чиқариш ва савдо-сотик обьектлари, маҳсулотлар, уларнинг маркаси (брэнди) номларини қамраб олувчи терминологик бирлик эканлиги билан характерлидир. Бу термин замонавий тилшуносликка ҳам айнан шу маъносида кириб келди ва бугунги кунда ишлаб чиқариш ва савдо-сотик обьектлари, маҳсулотларни номлашнинг лингвистик жиҳатларини ўрганувчи фаолият турига нисбатан фаол ишлатилмоқда.

Ҳар бир тилда ном (нейм) яратишнинг муайян лингвистик қонуниятлари мавжуд. Айниқса, ишлаб чиқариш ва савдо-сотик обьектлари, маҳсулотлар, уларнинг маркаси (брэнди) номларида нафақат шу обьект, маҳсулот ҳақидаги маълумотлар жамланиши лозим, балки у ҳақидаги тил эгаларининг миллий-маданий қарашлари, тасаввурлари ҳам ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ. Ном орқали инсон тафаккурида ишлаб чиқариш ва савдо-сотик обьектлари, маҳсулотлар, уларнинг маркаси (брэнди)га хос энг муҳим жиҳатлар тасаввури шаклланади. Бундай тасаввурлар йигиндиси инсон онгida маҳсулот, унинг брэнди ёки ишлаб чиқариш обьекти образининг юзага келишига олиб келади. Албатта, муайян маҳсулот ёки ишлаб чиқариш обьекти, савдо маркаларининг бу тарздаги образи миллий-маданий қарашлар, дунёқарааш, тасаввурлар, субъектив муносабат билан бойитилган мазмуний образ ҳисобланади.

Неймларда тил эгаларининг обьект ҳақидаги тасаввурлари, миллий-маданий қарашлари акс этар экан, уларни уни идрок этувчи инсон омили билан боғлиқ ҳолда ўрганиш ҳар бир тилда номлаш механизмининг ўзига хос миллий моделларини аниқлашга ёрдам беради. Турли ишлаб чиқариш ва савдо-сотик обьектлари, маҳсулотлар, уларнинг савдо маркаси (брэнди) номлари, яни неймларда ўз ифодасини топган муайян ҳалққа хос миллий-маданий жиҳатларни текшириш лингвокультурологиянинг тадқиқ обьекти саналади. Айрим тилшунослар компаниялар, савдо маркалари (брэнди) учун ном яратиш лингвистика, психология, маркетинг соҳалари доирасида амал қилишини инобатга олиб, неймингнинг янги фанлар ҳамкорлигидаги алоҳида соҳа — лингвопиареология мансуб эканлигини таъкидлашмоқда (1, 113–118). Л.П.Казанскаянинг фикрича, нейминг нафақат лингвистларнинг, балки иқтисодчилар, юристлар, психологларнинг ҳам касбий қизиқишилари кесишган соҳадир. Бироқ неймингнинг асосий компоненти айнан лингвистик жиҳати ҳисобланади, неймингнинг лингвистик моҳияти брэндинг ёрқин элементи саналади: бир сўз ёки фразада брэндинг бутун моҳияти, унинг барча құмматли белгиси ифодаланади (2, 92).

Англашиладики, нейминг ном яратиш технологияси сифатида нафақат ишлаб чиқариш, савдо-сотик маркетологияси ва истеъмолчи талаби, балки миллий маданият, психология, тилшунослик аспектларини ҳам камраб олади.

Нейминг технологияси фаолият тури сифатида қайси соҳалар ҳамкорлигига иш олиб бормасин, тилшуносликка унинг бош мақсади

муайян тилга хос ном яратишнинг лингвистик меъёрларини ишлаб чиқишдан иборатdir. Лингвистик меъёрларга мувофиқ тарзда ишлаб чиқилган ҳар бир ном (нейм) савдо, ишлаб чиқариш объектлари, маҳсулотларнинг бозорда рақоботбардош бўлиши, ривожланиши, шуҳрат қозониши ва кенг ёйилишига ёрдам бериши лозим.

**Асосий қисм.** Дунё маркетологиясида нейминг термини ишлаб чиқариш соҳаси билан боғлиқ объектлар, савдо маҳсулотлари, уларнинг бренди учун ном яратишга нисбатан фаол қўлланимокда.

Илмий манбаларда нейминг терминига турлича тавсиф берилганига гувоҳ бўламиз. Нейминг маркетологиянинг таянч терминологик бирлиги бўлиб, унга шу соҳага доир лугатларда атрофлича изоҳ берилган. Жумладан, А.П.Панкрухинанинг «Маркетинг: большой толковый словарь» номли лугатида нейминг термини қўйидагича изоҳланган: «**Нейминг** (ингл. to name — аташ, ном бериш) — ном хосил қилиш бўйича касбий фаолият бўлиб, буюртмачи нуқтаи назаридан ўзига хос номланишга эҳтиёжи бўлган барча нарсаларга нисбатан мувофиқ ном танлаш (қидирув, ўйлаб топиш)ни англатади (3, 1).

«Энциклопедия маркетинга» сайтида нейминг терминига қўйидагича изоҳ берилган: «**Нейминг** (ингл. «name» — «ном») — лингвистиканинг фоносемантик ва психоанализ воситаларидан фойдаланиш асосида компания ва савдо марка (брэнд)лари номларини яратиш жараёнидир» (4).

«Финансовый словарь»да нейминг ташкилот, лойиха ва Интернет-сайтлар учун жарангдор, эсда қоларли ва аниқ ном яратиш билан боғлиқ ишлар мажмуйи сифатида тавсифланган (5).

«Викисловарь»да нейминг компания, маҳсулот, лойихалар учун жарангдор, эсда қоларли ва аниқ ном яратиш, номлаш сифатида изоҳланган (6).

Изоҳлардан маълум бўладики, нейминг маркетинг соҳасига тегишли бирлик бўлиб, ном яратиш фаолиятини англатади. В.Ю.Кожанова инглиз ва рус тилларида ном яратиш технологияси ҳақида фикр юритар экан, нейминга «брэнд номини яратиш» фаолияти сифатида баҳо беради. Олиманинг фикрича, нейминг лугат асосида шунчаки сўз сўз танлаш эмас (бу фаолиятнинг факат бир боскичи бўлиши мумкин), балки тил — коммуникациянинг ўзига хос тизимини яратиш бўлиб, бунда бир номдан иборат бренд ўзаро мулоқот ва тилдан фойдаланувчи билан алоқа предмети бўла олади (7, 13).

Дарҳақиқат, ишлаб чиқариш, савдо, майший хизмат объектлари, маҳсулотлар, уларнинг маркаси (брэнди)га қўйилган номлар, аввало, ишлаб чиқариш объектининг бош мақсад ва вазифаси, маҳсулотнинг асл моҳияти ҳақида қисқача маълумот бериши, шу орқали истеъмолчи билан бирламчи коммуникатив алоқани таъминлашга хизмат қилиши лозим. Бу жараёнда ном эмоционал-экспрессив таъсир кўрсатиш вазифасини ҳам бажариши мақсадга мувофиқ.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш обьекти ёки маҳсулот, унинг бренди номланар экан, унда миллий-маданий қарашлар, тасаввурлар, психологик омиллар, ижтимоий воқелик ўз ифодасини топиши маълум. Нейм (ном) орқали инсон тафаккурида муайян савдо маҳсулоти, ишлаб чиқариш обьекти, компанияларга хос энг муҳим жиҳатлар тасаввuri шаклланади. Бундай тасаввурлар йиғиндиси инсон онгига маҳсулот, унинг бренди ёки ишлаб чиқариш обьекти

образининг шаклланишига олиб келади. Албатта, муайян маҳсулот ёки ишлаб чиқариш обьекти, савдо маркаларининг бу тарздаги образи миллий-маданий қарашлар, дунёкарап, тасаввурлар, субъектив муносабат билан бойитилган образ ҳисобланади.

Неймларда тил эгаларининг миллий-маданий қарашлари акс этар экан, уни бу жиҳатдан ўрганиш ҳар бир тилда номлаш механизмининг ўзига хос жиҳатларини аниқлашга ёрдам беради. Тилшуносликда бу типдаги неймлар — турли ишлаб чиқариш обьектлари, савдо маҳсулоти, унинг бренди номларида ўз ифодасини топган миллий-маданий жиҳатларни тадқиқ этиш лингвокультурологиянинг ўрганиш обьекти ҳисобланади. Англашилади, нейминг технология сифатида нафақат ишлаб чиқариш, маркетинг соҳаси ва истеъмолчи талаби, балки миллий маданият, тилшунослик аспектларини ҳам қамраб олади.

Бугунги кунда тилшуносликда нейминг технологиясининг лингвистик аспекти билан боғлиқ турли муаммолар ўрганилмоқда. Бундай муаммолар сифатида куйидаги масалалар таҳлилига жиддий эътибор қаратилмоқда:

1. Ҳар бир тилда шу тилнинг ички имкониятлари асосида нейм яратишнинг лингвистик меъёрларини белгилаб бериш.
2. Ҳар бир тилнинг ўз имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда нейм яратишнинг лингвистик методикасини ишлаб чиқиши.
3. Тилдаги неймларни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш, уларни тартибга солиши.
4. Ҳар бир тилда янги неймлар захирасини яратиш.

Бизнингча, бу муаммоларнинг ўрганилиши фирма, компания, ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, майший хизмат обьектлари, маҳсулотларга куйилаётган номларни тартибга солиши, ном яратишда «ўзибилармон» чиликка барҳам бериш, давлат тилига ҳурмат билан қараш, унинг имкониятларига тўғри баҳо бериш кабиларга хизмат қиласи.

Нейминг мураккаб ижодий лингвистик жараён сифатида уни яратувчидан тил меъёрларини мукаммал билиш, унинг таъсир кучига тўғри баҳо бера олиш, ном яратишда тил бирликларидан ўринли ва мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш маҳоратига эга бўлиш, ном орқали самарали коммуникатив мулокотни яратади олиш қобилиятини талаб этади.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш обьекти ёки маҳсулот, унинг бренди номини яратишда жамият аъзоларининг дунёни қай тарзда англаши, миллий-маданий қарашлари, менталитети, воқеликка баҳо муносабати кабиларни эътиборга олиш муҳим ўрин тутади. Жамият аъзолари учун ёт бўлган ёки улар тафаккурида салбий ассоциацияларни ҳосил қилувчи номлар самарали коммуникатив мулокотни ҳосил кила олмайди.

Нейм, аввало, ўз-ўзини баҳоловчи акт сифатида юзага чиқади. Нейм ишлаб чиқариш обьекти ёки маҳсулот, унинг брендини ўзига ўзи баҳо бериш каби тасвирлайди. Демак, ҳар қандай неймда обьектга берилган субъектив баҳо ўз ифодасини топади. Бунда нейм орқали ишлаб чиқариш обьекти ёки савдо маҳсулоти ҳақида маълумот олиш имконияти туғилади. Аслида нейм маҳсулот моҳиятига ишора қилувчи, унга ургу берувчи ном бўлиши лозим.

Баъзан ишлаб чиқариш обьекти, савдо маҳсулоти, унинг бренди номини машхур прецедент номлар билан аташ ҳоллари кузатилади. Бундай неймлар маҳсулот ҳақида ҳеч қандай маълумот ташимаса-да,

инсон хотирасида тез ва осон сакланиб қолади. Кўринадики, ишлаб чиқариш обьекти ёки маҳсулотнинг муваффақияти муайян даражада муваффақиятли танланган неймга ҳам боғлиқ. Аммо нейминг тарихида аксинча ҳолатлар ҳам кузатилади. Маҳсулотнинг истеъмолчи томонидан кенг қабул қилиниши унинг номининг тарқалиши ва машхур бўлишига олиб келган ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, Ади Дасслерга тегишли Adidas фирмасининг номи шахс номи асосида яратилган бўлиб, у маҳсулот ҳақида маълумот ташимайди. Бироқ машхур нейм сифатида инсон хотирасидан мустаҳкам ўрин эгаллай олган. Ёки машхур Apple компаниясининг номи унинг эгаси Стив Жобснинг энг ёқтирган меваси номи билан аталгани ҳам ушбу номнинг маҳсулот машхурлиги орқали кенг тарқалганидан далолат беради.

Хар қандай ишлаб чиқариш, савдо обьекти ёки маҳсулот, унинг маркаси (брэнди) номини яратишда жамият аъзоларининг дунёни қай тарзда англаши, миллий-маданий қарашлари, менталитети, воқеликка баҳо муносабати кабиларни эътиборга олиш муҳим ўрин тутади. Жамият аъзолари учун ёт бўлган ёки улар тафаккурида салбий ассоциацияларни ҳосил қилувчи номлар самарали коммуникатив мулоқотини шакллантира олмайди.

Муваффақиятли яратилган нейм, аввало, ўз-ўзини баҳоловчи акт сифатида юзага чиқади. Нейм ишлаб чиқариш обьекти ёки маҳсулот, унинг брендининг номи сифатида ўзига ўзи баҳо бериш вазифасини бажаради. Демак, ҳар қандай номда обьектга берилган субъектив баҳо ўз ифодасини топади. Бундай вазиятда ном орқали ишлаб чиқариш обьекти ёки савдо маҳсулоти ҳақида муайян маълумот олиш имконияти туғилади. Аслида ҳам ҳар бир нейм (ном) маҳсулот ҳақидаги энг умумий маълумотларга ишора қилувчи, унга урғу берувчи моҳиятга эга бўлиши лозим.

Дунё бозорида ишлаб чиқариш обьекти ёки маҳсулотнинг рақобатдошлиги, кенг тарқалиши муайян даражада муваффақиятли танланган номга ҳам боғликлиги сир эмас. Кишилар қадим замонлардан бери ном яратишда турли усуллардан фойдаланиб келишган: ишлаб чиқариш, савдо обьекти ёки маҳсулотга асосий ҳолларда унинг хусусиятидан келиб чиқиб ном беришган, уларга бевосита ишлаб чиқариш, савдо обьекти жойлашган шаҳар, қишлоқ, кўча номларини қўйишишган ёки корхонани унинг таъсисчиси, маҳсулот эгаси номи билан аташган.

Нейминг тарихида ишлаб чиқариш, савдо обьекти ёки маҳсулотга кишиларнинг номларини қўйиши ҳоллари кўп кузатилади. Назаримизда, бу каби вазиятларда маҳсулотнинг дунё бренди даражасига қўтарилишида номнинг ўзи етарли бўлмайди. Ном маҳсулотга тавсиф бериши, уни намойиш қилиши, маҳсулот ва истеъмолчи ўртасида алоқа воситаси ролини бажариши мақсадга мувоғиқ. Муваффақиятли танланган ҳар қандай ном истеъмолчининг дикқатини маҳсулотга жалб эта олади.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш, савдо обьекти ёки маҳсулотларга ўзбек тилида ном яратишда кишиларнинг исми шарифидан фойдаланиш кенг тус олмоқда. Масалан, Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган қуйидаги ишлаб чиқариш обьектлари, корхоналар номларида кишиларнинг исми шарифидан фойдаланилганлиги кузатилади: «*ABDULLOX-IBROXIM-ABDURAXMON*» масъулияти чекланган жамияти, «*ADILOV AKBAR SADIKOVICH*» хусусий корхонаси, «*RAJABBOY*», «*MOVJUDA MIRAZIZ*» масъулияти

чекланган жамиятлари, «AKMAL ABZALOV» хусусий фирмаси, «NOSIRXO'JA» хусусий корхонаси кабилар. Эътибор берилса, ушбу номлар орқали ишлаб чиқариш, савдо объекти ёки маҳсулот ҳакида бирон-бир маълумотга эга бўлинмайди. Бундай номлар истеъмолчига ишлаб чиқариш, савдо объекти фаолияти ёки маҳсулоти ҳакида баҳо бера олмайди.

Баъзи номларда гўёки ишлаб чиқариш, савдо объекти ёки маҳсулотга ишора қилувчи сўз қўллангандай туюлади, аммо уларнинг ҳам самарали мулоқотни ҳосил қила олмаганлиги кўзга ташланади. Бундай номни эшитган инсонда ишлаб чиқариш, савдо объекти ёки маҳсулот ҳакида аниқ тасаввур ҳосил бўлмайди. Масалан, Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтиб, фаолият олиб бораётган қуидаги хусусий корхона, масъулияти чекланган жамият номлари орқали уларнинг фаолияти, маҳсулоти ҳакида аниқ тасаввурга эга бўлиш қийин: «DONIYOR BARPO SERVIS», «BAHODIR RAHMATILLA SAVDO», «OMINA ISMOIL KELAJAK BIZNES» хусусий корхоналари, «IRODA SHERZOD OMAD», «SHOKIRJON BARAKA FAYZ SAVDO» масъулияти чекланган жамиятлари.

Номларнинг коммуникатив вазифаси коммуникатив натижавийлик асосида белгиланади. Номнинг истеъмолчига муайян ахборотни етказиши ва шу орқали у билан муносабат ўрнатиши коммуникатив натижавийлик ҳисобланади. Аммо шундай номлар ҳам учрайдики, уларда коммуникатив натижавийлик кузатилмайди. Масалан, Тошкент шаҳар Шайҳонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган «DILIM-SHOD», «MOHI-A'LO», «INNATILLO OBOD» масъулияти чекланган жамият номлари истеъмолчига ўзи ҳакида ахборот бера олмайди. Бу ҳолат ушбу номларнинг истеъмолчи билан мулоқотга киришувига тўсқинлик қиласи.

Айрим номлар таркибида ишлаб чиқариш, савдо объекти ёки маҳсулотга ишора қилувчи муайян бир сўзнинг қўлланганлиги кузатилади. Масалан: «DOCTOR FARIDA MEDICAL», «UMAROV BAXODIR FITO MED» масъулияти чекланган жамиятлари, «JO'RAXON MEBEL GROUP» корхонаси номларида корхона фаолиятига ишора қилувчи сўз мавжуд. Бу ҳолат ном ва истеъмолчи ўртасида бирламчи коммуникатив алоқани ҳосил қилишга ёрдам бера олади.

Кейинги вақтларда республикамизда ном яратишда хориж сўзларидан фойдаланишга ружу қўйилмоқда. Назаримизда, бу ҳолат давлат тилининг имкониятларини назарга илмаслик оқибатидир. Жумладан, Тошкент шаҳрида қурилаётган «замонавий шаҳарча»ларга берилган «Тошкент сити», «Ақай сити», «Олмазор сити» каби номлар бунинг яққол далилидир. Бу ўринда савол туғилиши табиий: хориж сўзларини ўзбекча номларга сунъий тарзда «тиқишириш»дан мақсад нима? Чет тилини билишликни тарғиб қилишми ёки хориж сўзлари ёрдамида оммани жалб этишни кўзлашми? «Ўзбек тилида яратилган» бундай номлар ўзбек тилига хурматсизлик белгиси эмасми? Наҳотки бу каби «замонавий шаҳарча»ларга ўзбекча ном топиш шунчалик мушкул иш бўлса?

Корхона, муассаса, савдо объектлари ёки маҳсулотга тил эгалари учун тушунарсиз бўлган хориж тилларида ном берилиши ном орқали истеъмолчи билан коммуникатив алоқанинг ўрнатилишига тўсқинлик қиласи. Бундай номларда хориж сўзларининг ишлатилишида қуидаги ҳолатлар кузатилади:

1) ном таркибida хориж сўзлари қўлланади: «QANOT-INVEST», «KAFOLAT PRINT COMPANY», «NOZ-SHEDEVR», «KAMTAR-NEO», «SAIDKOMOL KONSALT», «MUNAVVAR MARKET», «AMIRSAID-LYUKS»;

2) ном тўлигича хориж сўзларидан ташкил топади: «FOMEKS», «AKATSIYA», «GROTEKS», «KARDEL», «DABANA», «PROTEIN», «TEXNO-SOFT», «EXCELLENT EAST», «GRAND-DUET», «AVA REK» масъулияти чекланган жамият номлари; «DAYEL WORLD» хусусий корхонаси. Англашиладики, бу каби номларда ҳам коммуникатив натижавийлик кузатилмайди. Бу холат бундай номларнинг муваффақиятли танланмаганлигини кўрсатади.

Бизнингча, ишлаб чиқариш, савдо обьекти ёки маҳсулот, унинг маркаси (бренди)га ном беришда қуидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

1. Номнинг ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ обьекти, маҳсулот, унинг маркаси (бренди) ҳақидаги энг муҳим маълумотларни акс эттириши.

2. Номни яратишда тилнинг адабий меъёrlарига риоя этилиши.

3. Номнинг тил эгаларининг умуммиллий маданий қарашлари, анъаналари, менталитети, дунёқараши, психологиясига зид келмаслиги.

4. Номнинг ижтимоий-сиёсий тизим тамойилларига зид келмаслиги.

5. Номнинг инсонда ёлгон тасаввур уйғотмаслиги, аксинча, уни ўзига жалб этиши, тасаввурида ижобий муносабат ҳосил қилиши ҳамда хотирасида тез ва осон сақланиб қолиши.

6. Номнинг тил эгалари учун тушунарли, аниқ ҳамда талафузга осон бўлиши.

7. Номнинг самарали коммуникатив мулокот учун хизмат қилиши.

8. Номнинг маҳсулот ва истеъмолчи ўртасида алоқа кўприги вазифасини бажариши.

9. Номнинг бошқа номлар билан ўхшаш бўлиб қолмаслиги, улар англатган маҳсулотларни ёдга солмаслиги кабилар.

Маълумки, нейминг технологияси асосида яратилган неймлар бошқа турдаги номлардан бир вақтда бир нечта вазифа бажаришига кўра фарқланади:

1. Неймлар ишлаб чиқариш, савдо, майший хизмат обьектлари, маҳсулотлар, уларнинг маркаси (бренди)ни номловчи лингвистик бирликлардир.

2. Неймлар ишлаб чиқариш, савдо, майший хизмат обьектлари ёки маҳсулотнинг асоциатив тасаввурга асосланган иккиласми чи номларидир.

3. Неймларда тил эгаларининг воқеликни миллий идрок этиши, асоциатив тафаккури акс этади.

4. Неймлар обьектни шунчаки номлаш функциясини бажармайди, балки ишлаб чиқариш, савдо обьектлари, майший хизмат туридан кўзланган мақсад, маҳсулотнинг моҳияти ҳақида бирламчи маълумотларни ҳам ташиыйди.

5. Неймлар ишлаб чиқариш, савдо, майший хизмат обьектлари, маҳсулот ва тил эгаси (истеъмолчи) ўртасида коммуникатив алоқа кўприги вазифасини бажаради.

6. Неймлар ишлаб чиқариш, савдо, майший хизмат обьектлари ёки маҳсулотни номлаш баробарида сўзга янги семантик моҳият, прагматик вазифа, коннотатив, миллий-маданий бўёқ юклайди.

7. Неймлар тил эгаси (истеъмолчи)га ҳиссий таъсир кўрсатиш, уни ўзига жалб қилиш вазифасини ҳам бажаради.

8. Неймлар ишлаб чиқариш, савдо, майший хизмат обьектлари, маҳсулотга субъект томонидан берилган баҳо ҳисобланади.

Англашиладики, неймлар моҳияттан бошқа номлардан тубдан фарқланади. Нейм яратиш алоҳида фаолиятни, ижодий жараённи тақозо этади.

Неймлар атов бирликлари ҳисобланса-да, фонетик, орфоэпик, грамматик жиҳатдан ҳам муайян мезонларга бўйсунади. Неймларнинг талаффузда осон бўлиши уларнинг қатъий тарзда фонетик-орфоэпик меъёрларга мос бўлишини кўрсатади. Талаффузи қийин бўлган нейм (ном)лар истеъмолчини чалғитади, унинг хотирасидан тез чиқиб кетади. Нейм (ном)лар ҳаддан ташқари узун бўлган ҳолатларда ҳам тил эгаси учун қийинчилик туғдиради, у узун жумлалардан иборат номларни тез ёдидан чиқариб юборади. Нейм (ном)ларнинг қисқа, тушунарли, кишилар ёдидаги тез сақланиб қолиши унинг муваффақиятли танланганини кўрсатади.

В.Ю.Кожанова бренд номини яратишда қўйидаги қоидаларга риоя қилиш лозимлигини қайд этади:

1. Бренд номи осон талаффуз қилиниши лозим.

2. Бренд номи имкон борича осон эсда қолиши учун фонетик жиҳатдан саводли тузилган бўлиши лозим.

3. Бренд номи бошқа тилларда кўнгилсиз ассоциацияларни ҳосил қиласлиги учун уни турли тилларни ўргангандан ҳолда яратиш лозим.

4. Бренд номи субъектив маънода ижобий қабул қилиниши лозим (7, 13).

Бизнингча, бу қоидалар қаторига қўйидагиларни ҳам киритиш лозим:

1. Бренд номи миллий тил сўзликларидан иборат бўлиши лозим. Номнинг хориж сўzlари ёки хориж ва миллий тил бирликлари бирикувидан иборат бирикма тарзида ҳосил қилиниши унинг тил эгалари томонидан идрок этилишида қийинчилик туғдириши мумкин.

2. Бренд номи тил эгаларининг миллий-маданий қарашларига мувофиқ келиши лозим. Халқ миллий қадриятларига мос бўлмаган ҳолатларни акс эттирувчи номлар истеъмолчилар томонидан ижобий қабул қилинмайди.

3. Бренд номи истеъмолчиларни ўзига жалб эта олиши лозим.

Неймларни яратиш фаолияти бир қарашда ўта жўн ва осон вазифадек тасаввур уйғотади. Аммо бу фаолият нейм яратувчига муайян талаблар қўяди: 1) нейм яратиш фаолияти билан шуғулланувчи кишилар тилнинг барча лингвистик меъёрларини мукаммал билишлари лозим; 2) нейм яратишда ҳар бир тилнинг ўзига хос ички имкониятларига тўғри баҳо бера олиш, бу имкониятлардан зукколик ва моҳирлик билан фойдалана билиш керак; 3) нейм яратувчи халқнинг миллий-маданий қадриятлари, одоб-ахлоқ меъёрларидан хабардор бўлиши, уларга зид номларни яратмаслиги зарур; 4) нейм яратувчи нафақат буюртмачи, балки истеъмолчиларнинг ҳам истак-хоҳишлари, эҳтиёжларини инобатга ола билиши лозим.

Англашиладики, ном яратиш фаолияти соҳа кишиларидан муайян талабларга жавоб беришни тақозо этади. Негаки муваффақиятли танланган нейм маҳсулотнинг жаҳон бозоридан мустахкам ўрин олишига хизмат қилса, нотўғри танланган ном унинг инқирозига сабабчи бўлиши ҳам мумкин.

**Хуолоса.** Хуллас, ном яратиш осон иш эмас, у мураккаб технологик жараён. Ном яратишида муайян тилнинг лингвистик меъёрларига амал қилиш баробарида халқ маданияти, дунёқараши, менталитети, психологияси кабиларни ҳам инобатга олиш лозим бўлади. Шундагина яратилган ном маҳсулот ва истеъмолчи ёки ишлаб чиқариш обьекти ва истеъмолчи ўртасида манфаатли коммуникатив алоқа вазифасини бажаришга хизмат қиласди, маҳсулотнинг кенг тарқалишига, бозор рақобатида қучли позицияни эгаллашига ёрдам беради.

Нейминг — мураккаб ижодий жараён. Ном яратишида тил меъёрларига амал қилиш баробарида халқ маданияти, дунёқараши, менталитети, психологияси кабиларни ҳам инобатга олиш лозим. Шундагина ном маҳсулот ва истеъмолчи ёки ишлаб чиқариш обьекти ва истеъмолчи ўртасида коммуникатив манфаатли алоқа вазифасини бажаради.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сасина С.А. Лингвистические аспекты нейминга (на материале англоязычных брендов) // Вестник АГУ. Выпуск 2 (197) 2017. — С. 113–118.
2. Казанская Л.П. Лингвистические проблемы нейминга. *Linguistica Bidgostiana*. Vol. IX. — Bydgoszcz. 2012. — С. 92–101.
3. Панкрухин А.П. Маркетинг: большой толковый словарь. — М.: Омега-Л., 2008. — 261 с.
4. Marketopedia. Онлайн-энциклопедия маркетинга. — URL: <http://marketopedia.ru/114-naming.html>
5. Финансовый словарь. — URL: [https://dic.academic.ru/dic.nsf/fin\\_enc/25717](https://dic.academic.ru/dic.nsf/fin_enc/25717)
6. Викисловарь. — URL: <https://ru.wiktionary.org/wiki/>
7. Кожанова В.Ю. Лингвистические основы наименований брендов (на примере английского и русского языков): Автореф. дисс. канд. филол. наук. — Краснодар. 2007. — 19 с.

#### References

1. Sasina S.A. *Lingvisticheskie aspekty neimininga (na materiale angloyazychnykh brendov)* (Linguistic aspects of naming (based on the material of English-speaking brands). Vestnik AGU. Vypusk 2 (197) 2017. pp. 113–118.
2. Kazanskaya L.P. *Lingvisticheskie problemy neimininga. Linguistica Bidgostiana. Vol. IX.* (The linguistic problem of naming. Linguistica Bidgostiana. Vol. 9. Bydgoszcz. 2012. pp. 92–101.
3. Pankruhin A.P. *Marketing: bol'shoi tolkovyi slovar'* (Marketing: a large explanatory dictionary), M.: Omega-L., 2008. 261 p.
4. Marketopedia. Onlain-entsiplopediya marketinga. <http://marketopedia.ru/114-naming.html>
5. Finansovyi slovar'. [https://dic.academic.ru/dic.nsf/fin\\_enc/25717](https://dic.academic.ru/dic.nsf/fin_enc/25717)
6. Vikislar'. <https://ru.wiktionary.org/wiki/>
7. Kozhanova V.Yu. *Lingvisticheskie osnovy naimenovanii brendov (na primere angliskogo i russkogo yazykov)* (Linguistic bases of brand names (on the example of English and Russian languages)). Abstract. Dissertation of the Candidate of Philology, Krasnodar, 2007. 19 p.